

**МУҲАММАД ИБН УМАР ВОҚИДИЙНИНГ АХЛОҚИ ВА  
ОЛИМЛАРНИНГ У ЗОТ БОРАСИДА МАҚТОВЛАРИ**

*“Ислом тарихи ва манбашинослиги IRCICA”*

*кафедраси*

*I босқич таянч докторантни,*

*Тошкент ислом институти*

*“Хадис ва Ислом тархи фанлари”*

*кафедраси ўқитувчиси*

**Жамбилов Мансур Расулжонович**

**Аннотация:** Имом Воқидийнинг шахсияти, улғайиш даври ва илмий ҳаётини ўрганиш орқали у зотни яхшироқ таниб олиш;

Имом Воқидий ёзган асарлардан боҳабар бўлиш; исломий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тарих борасида асар ёзишдаги Имом Воқидий намоён қилган йўналишни баён қилиб бериш

**Калит сўзлар:** Муҳаммад ибн Умар Воқидий, асламий, маданий, маънавият ва турли илмлар, Ироқ мадрасаси, ислом тарихи.

**Хулқ-атвори ва сифатлари**

Дарҳақиқат Воқидий кўплаб гўзал хулқ-атвор ва сифатлар билан зийнатланган инсон еди. Улардан:

**1. Саховат<sup>1</sup>:**

Воқидийнинг олийжаноблик ва сахийлик билан танилган инсон эканлиги маълум<sup>2</sup>. У кўп мол тўплаган, бироқ барчасини Аллоҳ йўлида инфоқ қилиб юборган<sup>3</sup>.

Дарҳақиқат у Бармаклар<sup>4</sup> оиласининг мукофотлари ҳамда халифа Ҳорун Рашид ва ўғли Маъмун томонидан белгиланган ҳадялар орқали ҳам кўплаб мол-мулкка ега бўлган. Бироқ улардан бирортасини ўзи учун олмасдан, нафақа қилиб юборган.

Воқидий ўзи ҳақида сўзлаб бериб, “Султон томонидан менга етти юз минг дирҳам берилди ва шундан зиммамда закот вожиб бўладиган миқдоригина

<sup>1</sup> Имом Фаззолий саховат ҳақиқатини биргина "السخاء البر بالإخوان و الجود بالمال" (Саховат бу биродарларга яхшилик қилиш ва молдан олийжаноблик қилиш) сўзи билан баён қилиб берган.

<sup>2</sup> Ибн Асокир Али ибн Ҳусайн ибн Ҳибатуллоҳ. Умар ибн Ғаром ал-Амровий таҳқиқи. Тарихи мадийнати Димашқ. - Байрут/Ливан: “Дар ал-фикр” нашриёти, 1415/1994.-Ж.П.-Б.440.

<sup>3</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Вокид. Маҳмуд Абулхайр таҳқиқи. Китаб ар-ридда..-Иордания: “Дар ал-фурқон” нашриёти, 1434/2013.-Б.440.

<sup>4</sup> Бармакийлар бу аббосийлар давлатида катта нуфузга ега бўлган оиласидан бири ҳисобланади. Чунки уларнинг орасида вазирлик мансабига тайинланганлар ҳам бор еди. Бу оила насаби Балх мажусийларидан бўлган Бармак исмли шахсга бориб йетади. Бу оила умавийлар ҳукмронлиги даврида шиа мазҳабига мувофиқ исломни қабул қилган. Аммо бармакийлардан аббосийларга алоқадор бўлган шахс бу Холид ибн Бармак бўлиб, аббосий даъват жараёнларида ҳам иштирок етган. Каранг: Аҳмад ибн Абдулаҳхоб Нуварий. Муҳаммад Али Бажовий таҳқиқи. Ниҳаятул араб фий фунун ал-адаб.-Қоҳира/Миср: “Дар ал-кутуб ал-мисрий” нашриёти, 1344/1923. -Ж.І.-Б.55.

қолди” дейди.<sup>5</sup>

Унинг сахиyllиги умри давомида бошдан кечириб келган моддий ҳолатининг ёмонлашишига ҳам сабаб бўлган. Ҳаттоқи, айтилишича, вафот этган вақтда уни кафанлашга ҳам етарли маблағ қолмаган.<sup>6</sup>

Дарҳақиқат Абдураҳмон ибн Жавзий (ваф.597ҳ.й-1200м.й) “Муҳаммад ибн Умар ибн Воқид...ўта олийжаноб инсон бўлган” деган сўзи билан Воқидийнинг бу хулқ эгаси бўлганлигини таъкидлайди.

## 2. Ҳаё:

Воқидий ҳаёли инсон бўлган. Бунга аббосий халифа Маъмуннинг ўзи ҳам гувоҳ бўлган. Воқидий унга риқъа (кичик мактуб) ёзиб, унда қарзга ботганлиги ва бундан ташвишга тушганлиги ҳақида баён қиласди. Халифа Маъмун мактубга “Сенда икки хислат – саховат ва ҳаё – бор. Саховат хислати сени эгаллаган барча нарсаларингни совуришга унданаган бўлса, ҳаё ҳолатинг ҳақида бизга хабар беришдан сени қайтарган. Сенга юз минг дирҳам беришларини буюрдим. Агар тўғри йўл тутган бўлсам, олийжаноблигингни янада зиёд қил! Бордию хато килган бўлсам, қилган жиноятинг ўзингни зиммангга” дея мактубга имзо чекди<sup>7</sup>.

## 3. Бошқаларни ўзидан устун қўйиш:

Баъзи манбааларнинг таъкидлашича, Воқидийнинг бири ҳошимий бўлган иккита дўсти билан бўлган воқеаси унинг бошқаларни ўзидан устун қўйганлигига далолат қиласди. Воқидий айтади: “Ҳайит байрами арафасида жуда ночор аҳволга тушиб қолдим. Аёлим: “Бизку майли, қийинчилик ва ночорликка сабр қиласми. Бироқ бечора болаларимизни кўриб юрак-бағрим эзилияпти. Улар ўзлари йиртиқ-ямоқ кийим кийиб юрган ҳолида қўшниларнинг болаларини ҳайит байрамида тараниб, янги кийимлар кийиб юрганини кўришади. Уларга кийим-бош олиб беришим учун бирор нима қилинг.” деди. Шунда мен ҳошимий дўстимга бу вазиятда менга ёрдам беришини сўраб мактуб ёздим. У ичиди минг дирҳам бўлган муҳрли ҳамённи менга жўнатди. Ҳали уйга кириб улгурмасимдан, бошқа бир дўстим худди мен ҳошимий дўстимга қилган шикоятимнинг айни ўзи билан менга ҳам шикоят қилиб, мактуб ёзибди. Мен ҳамённи шу ҳолида унга бериб юбордим ва масжидга чиқдим ва аёлимдан ҳаё қилиб, ўша тунни масжидда ўтказдим. Уйга қайтиб келганимда аёлим менинг қилган бу ишимни мақтади ва менга қўпол муомала қилмади. Шу вақтда ҳошимий дўстим ҳамённи ўз ҳолича қайтариб олиб келди ва менга “Мен сенга бу пулларни чин кўнгилдан бериб юборган едим” деди... Бу хабар Маъмунга ҳам етиб борибди. У мени ҳузурига чақирди ва мен унга бўлган воқеани сўзлаб бердим. Шунда у менга етти минг

<sup>5</sup> Хатиб Аҳмад ибн Али ибн Абу Бақр Бағдодий. Тарихи Бағдод. –Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти,, -Ж.III-Б.20.

<sup>6</sup> Хатиб Аҳмад ибн Али ибн Абу Бақр Бағдодий. Тарихи Бағдод. –Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти,, -Ж.III-Б.20.

<sup>7</sup> Ибн Холликон Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бақр. Еҳсон Аббос таҳқиқи. Вафаят ал-аъян ва анбау абна из-заман. – Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти,-Ж.IV-Б.349.

дийнор беришларини буюрди...”<sup>8</sup>

#### 4. Вафодорлик

Унинг бу хулқ билан хулқланганлигига далил ўлароқ унинг бармакийлар билан бўлган алоқаси ҳаттоки уларнинг фожиасидан кейин ҳам давом этганлигини келтиришимиз мумкин<sup>9</sup>.

Воқидийнинг Яхё ибн Холидга нисбатан ихлоси ва муҳаббати кучли еди. Ўзининг унга бўлган кучли муҳаббати ҳақида сўзлаб: “Аллоҳга қасамки, мен уларнинг (бармакийларнинг) хулқларига ўхшашини қўрмаганман. Қандай қилиб Яхё ибн Холидга бўлган муҳаббатим борасида таъна қилинишим мумкин?!” деб айтади.<sup>10</sup>

Воқидий бу сўзлари у бу воқеани ҳижрий 187-йилда (мил.803.й) бармакийлар бошига ёғилган фожиалардан кейин ҳикоя қилиб берганлигига далолат қиласди. Чунки бу кулфатлардан олдин Яхё ибн Холидга бўлган муҳаббатидан хавфга тушишига ҳеч қандай ҳожат йўқ еди. Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳдан<sup>11</sup> ривоят қилинади: “Мен Воқидийнинг хузурида едим. Шунда у Яхё ибн Холидни еслади ва Аллоҳ унга раҳм қилишини сўраб кўп дуолар қилди”<sup>12</sup>

Мен ишонаманки, албатта, инсоннинг бой илм билан биргаликда исломий хулқлар билан ҳам хулқланиши уни улуғ даража ва мартабаларга етказади. Бунга Воқидий ҳам ҳақли. Шу сабабли уни айблаш ва у ҳақда шубҳа-гумонга бориш ўринсиз. Юқорида зикр қилинган сифатлар билан сифатланган инсоннинг ўз замонасида қуйида келтириладиган муҳим вазифаларни эгаллаши ҳеч ажабланарли эмас.

#### Олимларнинг у ҳақда айтган мақтовлари

Дарҳақиқат, ислом илмлари борасида ўчмас из қолдирганлиги сабабли кўплаб олимлар унга нисбатан мақтовлар айтишган. Масалан:

Ибн Саъд:<sup>13</sup> “У мағозий (жанглар), сийрат, фатҳлар, хукмлар, инсонларнинг нималар устида ихтилоф қилишларию нималар устида жамланишлари борасида илмга эга эди. У буларни ўзи ёзган китобларда батафсил баён қилиб берган.” деди.<sup>14</sup>

<sup>8</sup> Али ибн Ҳусайн ибн Али Масъудий. Муҳаммад Муҳиддин Абдулҳамид таҳқики. Муруж аз-заҳаб ва маъадин ал-жавҳар.-Риёд/Саудия Арабисотони: “Мактаба ар-Риёд ал-ҳадийса” нашриёти, 1393/1973, -Ж.ИІ.-Б.73.

<sup>9</sup> Аҳмад ибн Абдулваҳҳоб Нувайрий. Муҳаммад Али Бажовий таҳқики. Ниҳаятул ароб фий фунун ал-адаб.-Қоҳира/Миср: “Дар ал-кутуб ал-мисрийя” нашриёти, 1344/1923.-Ж.ХХII.-Б.96.

<sup>10</sup> Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро. -Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, 1405/1985.-Ж.V.-Б.431.

<sup>11</sup> Убайдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд Абу Абдуллоҳ ал-Мадийний. У сиқа (ишончли) олим ва илму ҳадисда моҳир бўлган. Ҳижрий 198-йилда (мил.813й.) вафот етган. Қаранг: Жамолиддин Абул Фараж ибн Жавзий. Аҳмад ибн Али таҳқики. Сифат ас-софа. -Қоҳира/Миср: “Дар ал-ҳадис” нашриёти, 1421/2000.-Ж.ИІ.-Б.102.

<sup>12</sup> Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро..-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, 1405/1985.-Ж.ИІ.-Б.431

<sup>13</sup> У Муҳаммад ибн Саъд Маниъ ал-Ҳошимий бўлиб, куняси Абу Абдуллоҳ Багдодийдир. У Воқидийга котиб бўлган. Ҳофиз, ҳужжат ўла олган ва устози Воқидийдан кўплаб ривоятлар қилган. Ҳижрий 230-йилда (мил.844й.) вафот етган.

<sup>14</sup> Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти,

Хатиб Бағдодийдан унинг Воқидий ҳақида “У шарқу ғарб зикри ила тўлган, барчага маълум ва машхур бўлган ҳамда илм-фан, жанглар, фатҳлар ва тобақотлар (кишиларнинг таржимаи ҳоли) борасида ёзган китоблари ила карвонлар ер юзини кезган олимлардан эди.” дея нақл қилинади<sup>15</sup>.

Мұхаммад ибн Салом ал-Жумаҳийдан “Албатта, Воқидий ўз замонасининг олими эди.” деган гапи нақл қилинади.<sup>16</sup>

Хатиб Бағдодий факих Муборакнинг “Мен Мадинаи мунаавварага бир неча бориб, шайхлар ичида фақат Воқидийдан илм ўргандим.” деган сўзини нақл қиласи.<sup>17</sup>

Хатиб Бағдодий Даровардийдан нақл қиласи: “Улардан бири ундан Воқидий ҳақида сўраганда у “Мендан Воқидий ҳақида емас, Воқидийдан мен ҳақимда сўранглар” деб жавоб берган.”<sup>18</sup>

Хатиб Бағдодий Мусъаб Зубайрийдан нақл қилиб айтади: “Аллоҳга қасамки, биз унга ўхшашини ҳеч қачон кўрмаганмиз”.<sup>19</sup>

Иbn Ҳайён Воқидий ҳақида “кенг илм соҳиби бўлган олимлардан эди” дея келтиради.<sup>20</sup>

Қози Иёз: “У кенг илм соҳиби, адиг, ҳадис, сияр ва хабарлар бўйича олим эди.” дейди.<sup>21</sup> Имом Заҳабийдан Воқидий ҳақида “У ростгўй ва қадри баланд инсон бўлган...” дея нақл қилинади.<sup>22</sup> Ибн Имод “Шазарот аз-заҳаб” асарида: “Воқидий илм булоғи бўлган олим” дея зикр қиласи.<sup>23</sup> Исмоил пошишо Бағдодий: “У тарихчи ва муҳаддис олим бўлган” дея нақл қиласи.

Воқидий ҳақида сўралган вақтда Мужоҳид ибн Мусодан: “Ундан кўра ҳифзи кучлироқ бирор кишини сифатлаб ёзмаганман” деб айтганлиги ривоят қилинади.<sup>24</sup>

1405/1985.-Ж.В.-Б.425.

<sup>15</sup> Хатиб Аҳмад ибн Али ибн Абу Бакр Бағдодий. Тарихи Бағдод. –Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмий” нашриёти,, -Ж.ІІІ.-Б.18.

<sup>16</sup> Хатиб Аҳмад ибн Али ибн Абу Бакр Бағдодий. Тарихи Бағдод. –Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмий” нашриёти,-Ж.ІІІ.-Б.5.

<sup>17</sup> Хатиб Аҳмад ибн Али ибн Абу Бакр Бағдодий. Тарихи Бағдод.–Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмий” нашриёти,, -Ж.ІІІ-Б.9.

<sup>18</sup> Хатиб Аҳмад ибн Али ибн Абу Бакр Бағдодий. Тарихи Бағдод. –Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмий” нашриёти,-Ж.ІІ.-Б.9.

<sup>19</sup> Хатиб Аҳмад ибн Али ибн Абу Бакр Бағдодий. Тарихи Бағдод. –Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмий” нашриёти,-Ж.ІІ.-Б.9.

<sup>20</sup> Ҳайён ибн Халаф ибн Ҳусайн ибн Ҳайён. Ахбар ал-кузот-Байрут/Ливан: “Олам ал-кутуб” нашриёти.-Ж.ІІ.-Б.271.

<sup>21</sup> Қозий Иёз ибн Мусо. Аҳмад Букайр таҳқики. Тартиб ал-мадарик лимъирифати аълами мазҳаби Молик..–Байрут/Ливан: “Дар мактаба ал-ҳаят” нашриёти, 1387/1970.-Ж.І.-Б.236.

<sup>22</sup> Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Шуайб Арнаут, Ҳусайн ал-Асад таҳқики. Сияру аълам ан-нубало..–Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1401/1971. –Ж.VII.-Б.142.

<sup>23</sup> Ибн Имод Абулфалоҳ Абдулҳай ал-Ҳанбалий. Шазарот аз-заҳаб фий ахбари ман заҳаб.-Байрут/Ливан: “Дар ал-фикр” нашриёти, -Ж.ІI.-Б.17.

<sup>24</sup> Ибн Сайийд ан-нас Абул Фараж Мұхаммад ибн Абдуллоҳ. Уюн ал-асар фий фунун ал-мағозий ваш-шамоил вас-сияр.-Байрут/Ливан: “Дар ал-жийл” нашриёти, 1391/1974.-Ж.І-Б.27

Имом Саховий<sup>25</sup> “Тухфат ал-латифа” китобида: “Воқидий илм хазиналаридан бири эди” дея зикр қилади.<sup>26</sup>

Хатиб Бағдодий Иброҳим Ҳарбийдан унинг имом Воқидий ҳақида “Воқидий инсонларнинг исломга вакилидир” деган гапини нақл қилади.<sup>27</sup>

Қайсийдан “У таниқли ислом уламоларидан биридир.” дея нақл қилинади.<sup>28</sup>

Хазражий ҳам у ҳақда “Ислом уламоларидан биридир” дея нақл қилади.<sup>29</sup>

Бу мақтovлар асносида ўзининг илми ва исломий илмларни сақлаш ва келгуси умматга етказиш борасидаги сайи-ҳаракатлари сабабли Воқидий ишонч, юқсан мартаба ва олимларнинг ҳурмат-эътиборини қозонганлигини қўришимиз мумкин.

## ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлар кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 19 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши йигилишидағи нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил 12 ноябрь.
3. V.M.Zaporozhets. The Seljuks. – Hannover: the European Academy of Natural Sciences e.V. , 2012. – 321 p.
4. Ibn Asir. (الكامل في التاريخ. Al-Komil fit-tarix), VIII juz. – Beirut-Lebanon: Dar Al-Kotob Al-Ilmiyah, 2003. – 532 b.
5. Imam al-Hofiz Abul Fado Ismoil ibn Kasir al-Qurayshiy ad-Dimashqiy. البداية و النهاية (Al-Bidayatu van-nihaya). al-Giza (Misr): Hajr, 1998.
6. Maqriziy. السلوک لمعرفة دول الملوك (As-Suluk lima'rifati duvalil-muluk), I juz. Beirut-Lebanon: Dar al-kotob al-ilmiyah, 1997. – 566 b.
7. Shamsuddin Muhammad bin Ahmad Usmon az-Zahabiy. سیر اعلام النبلاء (Siyar a'lamu an-nubala), XXIII juz. Beirut-Lebanon: Baytul-afkor ad-davliyya. 2004.
8. Ahmed bin Mahmud. Selçuk-Name, 1-2.cilt. – İstanbul: Kervankibatçılık basin sanayiiyeticaret A.Ş., 1977. – 202 s.

<sup>25</sup> Аламуддин Абул Ҳасан Али ибн Мұхаммад ибн... ал-Мисрий ас\_саҳовий аш-Шоғей бўлиб, кори ва адиблар шайхи аллома, имом бўлган. Ҳижрий 643-йилда (мил.1244.й) вафот етган. Қаранг: Якут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий. Мұжжам ал-адибба..-Миср: “Дар ал-Мамун” матбаси,-Ж.XV.-Б.6.5

<sup>26</sup> Мұхаммад ибн Абдураҳмон ас-Саҳовий. Ат-тухфа ал-латифа фий тарихи Мадина.-Байрут: “Дар ал-қутб ал-илмий” нашриёти, 1413/1993.-Ж.II. -Б.556.

<sup>27</sup> Хатиб Аҳмад ибн Али ибн Абу Бақр Бағдодий. Тарихи Бағдод. –Байрут/Ливан: “Дар ал-қутуб ал-илмий” нашриёти,, -Ж.III.-Б.5.

<sup>28</sup> Ибн Носириддин Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ал-Қайсий. Мұхаммад Ақсусий таҳқики. Тавзих ал-муштабих.-Байрут/Ливан: “Муассат ар-рисала” нашриёти, 1414/1993.-Ж.IX-Б.94.

<sup>29</sup> Софийийддин Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳазражий. Хулосату таҳзibi таҳзib ал-камал фий асма ар-рижал.-Байрут/Ливан: “Матбуъат ал-исламий” нашриёти, 1399/1979.-Ж.I.-Б.353.

9. Ali Sevim. İbnül-Kalânisinin Zeylü tarih-i Dimaşk adlı eserinde Selçuklularla ilgili bilgiler // Türk tarih belgeleri dergisi. Cilt: XXIX, Sayı: 33. 2008. – S. 1-42
10. Muharrem Kesik. Sultan Alp Arslan'ın Liderlik Vasıfları // İnsan ve Toplum Bilimleri Dergisi, Sayı4. 2014. – S. 43-52.
11. Muhammed Kemaloğlu. XI.-XIII. yüzyıl Türkiye Selçuklu devletinde eğitim-öğretim (medreseler) // Akademik Tarih ve Düşünce Dergisi. Cilt:2, Sayı:5. 2015. – S. 62-79.
12. Prof. Dr. Muharrem Kesik. Selçuklular tarihi. – İstanbul: İstanbul Üniversitesi Açık ve uzaktan eğitim fakültesi, 2010. – 374 s
13. Prof. Dr. Faruk Sümer. Oğuzlar. – Ankara: Ankara üniversitesi basimevi, 1972. – 574 s.
14. Prof. Dr. Osman Turan. Selçuklular Tarihi ve Türk-İslam Medeniyeti. – İstanbul: Turan neşriyat yurdu, 1969. – 492 s.

**Интернет сайты:**

1. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир қўлёзмалар бўлими сайти <http://nodir.natlib.uz:8095/uz-Cyrl-UZ>
2. Ўзбекистон тарихий ва илмий-адабий манбалар сайти <http://ziyonet.uz/>